

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ШАРТЛИ ХУКМ ҚИЛИНГАН
МАҲКУМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЕТИШ БУЙИЧА
ИЛҒОР ТАЖРИБА ТАХЛИЛИ]**

Жуманиёзов Нодирбек Ғиёс ўғли

ИИБ Академияси 3-босқич 312-гуруҳ курсанти

Аннотация: *Ушбу мақола орқали сиз, Профилактика инспекторининг шартли ҳуқм қилинган маҳкумлар билан ишлаш фаолиятининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, асосий йўналишлари, усул ва шакллари, хорижий давлатлар тажрибаси ва уларнинг таҳлили, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклифлар ёритилган.*

Калит сўзлар: *Профилактика инспектори, шартли ҳуқм, маҳкум, муаммо ва камчиликлар.*

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар самарасида инсонпарварлик нуқтаи назардан жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши, жавобгарлик ва жазо тизимининг юмшатилиши ҳамда жиноят содир этган шахсга янада кенгроқ имкониятлар берилиб, мазкур ислоҳотлар маҳкумни тузалиш йўлига ўтишга жалб қилинишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ўз навбатида, жиноят-ҳуқуқий институтлар қаторида жазодан озод қилишнинг тури ҳисобланган шартли ҳуқм қилишни ислоҳ этиш ҳам ҳар доим кун тартибидаги асосий масаладир.

Ўтган йиллар давомида шартли ҳуқм қилиш институти билан боғлиқ қатор самарали ислоҳотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиши, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар ушбу соҳани қайта кўриб чиқишни, уни ислоҳ этиш эҳтиёжи юзага келганлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда, биз қуйида жиноят қонунини либераллаштириш шароитида шартли ҳуқм қилишнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари хусусида айрим мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Энг аввало, таҳлилни шартли ҳуқм қилиш қўлланилиши мумкин бўлган жазолар рўйхатига қаратсак.

Маълумки, ЖК 72-моддасида шартли ҳуқм қилиш ЖК 43-моддасида назарда тутилган саккизта асосий жазодан фақат тўрттаси тайинланган ҳолда қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўз-ўзидан равшанки, шартли ҳуқм қилиш умрбод озодликдан маҳрум қилиш тайинланганда қўлланмаслиги асослидир, зеро бу фақат ўта оғир жиноятлар учун тайинланадиган мазкур жазо турларининг фавқулодда хусусияти билан белгиланади. Шартли ҳуқм қилиш эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унча юқори бўлмаган ва айбдорнинг шахси ҳақида ижобий маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда қўлланилади. Шартли ҳуқм қилишни бошқа

– ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо турлари тайинланганда қўллаш имконияти тўғрисидаги масала олимлар ўртасида кўп маротаба муҳокама қилиб келинмоқда.

Шартли равишда тайинланиши мумкин бўлган асосий жазолар қаторига қамоқ жазосини киритиш ўринли бўлади. Жиноят учун жазоларнинг турларини белгилашга бағишланган ЖК 43-моддасида улар ўзининг жазоловчи таъсири даражасига кўра жойлаштирилган, бунда қамоқ хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш ўртасида жойлаштирилган.

Ушбу жазо турлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасида назарда тутилган ва шартли равишда тайинланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 1-қисмидаги рўйхатга жазоловчи таъсири интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлариникидан кучлироқ бўлган қамоқ нима сабабдан киритилмагани тушунарсиз.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, қамоқ амалда қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳисобланади, уни амалга ошириш жамиятдан ажратиш ва мажбурий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ. Шу сабабли, қонунда қамоқни шартли равишда қўллаш имкониятини белгилаш мақсадга мувофиқдир, чунки бу жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш мақсадларига эришишга кўмаклашади.

•Жиноят қонунида жарима жазоси тайинланадиган ҳолларда ҳам шартли ҳукм қилишни қўллаш имконияти назарда тутилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нарса диққатга сазоворки, жарима тариқасидаги жазо аксарият ривожланган мамлакатларда асосий ва қўшимча жазо сифатида кенг қўлланилади. Чет эл мамлакатлари қонунчилигида жаримани ё шартли равишда, ё шартли ҳукм қилишда қўллаш имкониятлари назарда тутилган. Масалан, Швеция ЖКга кўра, суд жарима тариқасидаги жазо етарли бўлмаган жиноят учун шартли ҳукм қилиш ҳуқуқига эга (Швеция ЖК 27-боби 1-моддаси). Бу ҳолда шахс ҳукм қилинади, унга пробация даври учун белгиланган муайян мажбуриятларни бажариш юкланади ва жарима тайинланади. Франция ЖК судларга жарима тариқасидаги жазонинг ижросини кечиктиришни наинки жисмоний, балки юридик шахсларга нисбатан қўллашга ҳам ижозат беради. Шунга ўхшаш норма Япония ЖКда ҳам мавжуд: унда шартли ҳукм қилиш – жазонинг ижросини кечиктириш суд томонидан икки юз минг йенадан ортиқ бўлмаган миқдорда жаримани тайинлаш вақтида белгиланиши мумкинлиги назарда тутилган. Жарима тариқасидаги жазонинг самаралилиги шакл-шубҳасиздир.

Россия федератцисияси қонунчилигига кўра агар ахлоқ тузатиш ишлари, харбий хизматдаги чеклаш, интизомий қисмда қамоқ ёки саккиз йилгагача озодликдан маҳрум қилиш тайинланганидан кейин суд маҳкумни жазони амалда ўтамасдан тузатиш мумкин деган хулосага келса, Ҳукм чиқарган бўлса

тайинланган жазони шартли деб хисоблаш тўғрисида қарор қабул қилади ва шартли ҳукм чиқаради

Ҳукм тайинланмайди:

1. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар учун судланган.

2. Оғир ёки ўта оғир жиноятни қасддан содир этганлиги учун шартли равишда тайинланган холда синов муддати давомида ёки қасддан жиноят содир этганлик учун тайинланган жазонинг ўталмаган қисми давомида, шартли равишда озод қилишда содир этганда.

3. Хавфли ёки ўта хавфли ретцидивист ҳолатида

4. Шартли жазо тайинлашда суд содир этилган жиноятнинг Шусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, шу жумладан жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олади.

Шартли жазо тайинлашда суд синов муддатини белгилайди, бу муддат давомида маҳкум ўзининг тузалганлигини хатти-ҳаракатлари билан исботлаши шарт. Бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жазонинг енгилроқ тури тайинланганда, синов муддати камида олти ой ёки уч йилдан кўп бўлмаган, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда еса камида олти ой бўлиши керак. Бир йилдан ортиқ муддат ёки камида олти ой ва беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатлар, синов муддати Ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Синов муддати Ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўтган вақтни ўз ичига олади.

Интизомий ҳарбий қисмда қамоққа олиш тарзидаги жазо тайинланган тақдирда Ҳукм эълон қилинган кундаги ҳарбий хизматни ўташ қолган муддат шартли синов муддати этиб белгиланади. Шартли Ҳукм қилинганда қўшимча жазо турлари ҳам белгиланиши мумкин. Суд шартли равишда жазо тайинлашда унинг ёши, меҳнатга лаёқатлиги ва соғлиғи ҳолатларини ҳисобга олган холда унинг зиммасига муайян мажбуриятларни юклайди. Назорат қилиш юклатилган органга хабар бермасдан доимий яшаш жойи, иш ва ўқиш жойини ўзгартирмаслик, алкогольизм, гиёҳвандлик ёки жинсий йул билан юқадиган касалликлардан даволанаётган, умумий таълим муассасида ишлаётган ёки ўқишни давом эттирадиган шартли жойларни назорат қилувчи давлат органларига хабар бериши шарт.

Агар синов муддати ўтгунга қадар шартли ҳукм қилинган маҳкум ўз хатти-ҳаракатлари билан тузалганлигини исботлаган бўлса, жиноят туфайли етказилган зарарни тўлиқ ёки қисман коплаган бўлса, суд қарорида курсатилган шартли Ҳукм қилинган маҳкумни устидан назоратни амалга оширувчи орган томонидан киритилган тақдимномага асосан маҳкумга нисбатан белгиланган шартларни олиб ташлаши мумкин. Россия федерацияси конунчилигига биноан ҳам суд томонидан агар маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари, ҳарбий хизматдаги чеклаш, интизомий қисмда қамоқ ёки саккиз йилгача озодликдан маҳрум

қилиш тайинланганидан кейін суд маҳкуми жазони амалда ўтамасдан тузатиш мумкин деган хулосага келса шартли равишда ҳукм чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 72-моддасига биноан эса озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жунатиш, хизмат буйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг ҳаҳси ва ихдаги ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони утамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қарғий фикрга келса, шартли ҳукм қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан яъни “2022-2026 йилларга мўжжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриси”ги 60 сон фармонинг 2-банди. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойиллари тараққиётнинг енг асосий ва зарур шартига айлантриш ғояси асосида 14-мақсад, қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни тпъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш каби бир қатор устувор вазифалар жумладан:

1. Маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга рентеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларнинг биргаликдаги фаолиятини йўлга қуйиш.

2. Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларини қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кўчайтириш

3. Фуқароларни яшаш ва жой буйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига кўшимча қулайликларни яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш.

4. Жиноят, жиноят-просессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш.

5. Қийноқларнинг олдини олиш буйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда маҳсус қонун қабул қилиш.

Ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола ҳуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш каби устувор йўналишларни инобатга олиб Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш. Жазо тизимини либераллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек жиноят содир етган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда суд органларининг қонуний ва адолатли жазо беришини таъминлаш, шунингдек суд томонидан шартли ҳукм қилинган маҳкумларни профилактика инспекторлари ва ички ишлар органлари томонидан назоратини амалга ошириш буйича замонавий техникаларни жорий этиш керак бўлади.

Грузия Жиноят кодексига кўра шартли ҳукми қўллашда синов муддати озодликдан маҳрум қилиш жазосига қараганда енгил жазо тури тайинланганда бир йилдан уч йилгача, унча оғир бўлмаган ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда бир йилдан олти йил муддатгача, агарда бир неча жазолар бўйича якуний жазо тайинлашда жиноятлар мажмуи ёки бир неча ҳукм юзасидан икки йилдан олти йил муддатгача белгиланади

Беларусия, Украина ва Қирғизистон Жиноят кодексларида эса шартли ҳукми қўллашда белгиланадиган синов муддати Ўзбекистон Жиноят кодексига назарда тутилган синов муддати билан бир хил, яъни бир йилдан уч йилгача белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасининг 2-қисмига биноан, синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Мазкур қоидадан маълумки, шартли ҳукм қилишда ўрнатиладиган синов муддати табақалаштирилмаган.

Хусусан айбдорнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноят содир этганлигидан қатъий назар, синов муддати суд томонидан уч йил муддатдан ошмаган ҳолда қўлланилмоқда, яъни ижтимоий хавфлилик даражаси турлича бўлган жиноятларга бир хил синов муддати қўлланилиши мумкин. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган одиллик принципида «Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбдорнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак» деб кўрсатиб ўтилган.

Қозоғистон Республикасига қарайдиган бўлсак, шартли ҳукм 63- моддасида келтирилган бўлиб, у қўйидагича баён этилган:

- Агар суд озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинлаш орқали маҳкуми жаҳони ўтамасдан тузатиш мумкин деган хулосага келса, тайинланган жазони шартли деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилади.

- Шартли жазони қўллашда суд содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, шу жумладан, жавобгарликни ва жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

- Шартли равишда жазо тайинлашда суд ушбу кодекснинг 44-моддаси иккинчи қисми қоидаларига мувофиқ озодликдан маҳкум этишнинг барча белгиланган муддати учун, вояга етмаганларга эса олти ойдан бир йилгача бўлган муддатга синов назоратини ўрнатади.

Вояга етмаганларга нисбатан шартли ҳукми қўллаш шартли судланганлик билан синовдан ўтказиш даврида кичик ёки ўртача оғирликдаги жиноятни такроран содир этган тақдирда ҳам мумкин. Чет эл фуқароси ёки

фуқаролиги бўлмаган шахс суд томонидан қўшимча жазо тури сифатида Қозоғистон Республикасидан чиқариб юборилиши шарти билан ҳукм қилинган тақдирда синов назорати ўрнатилмайди.

Шартли судланган тақдирда қўшимча чеклаш ва жазо турлари белгиланиши мумкин. Шартли судланган тақдирда, вояга етмаганга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатишнинг мажбурлов чоралари белгиланиши мумкин. Шартли судланганлик диноятни такрор содир этган, хавфли ретцидив жиноят содир этган, шахс ўта оғир жиноят ва коррупция, террорчилик, экстремистик жиноят, шунингдек жиноят содир этганлик учун судланган бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Жиноий гуруҳнинг бир қисми, вофга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноят. Ушбу чеклаш ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг жинсий дахлсизлигига қарши содир этган вояга етмаганларга нисбатан қўлланилмайди.

Америка Қўшма Штатларида судьялар кичик жиноятни биригчи марта содир этганларга шартли жазо беришлари ва прокурорлар а қисми сифатида шартли жазоларни тавсия қилиши мумкин.

Шартли ҳукм Канада ҳам кенг ривожланган бўлиб, шартли ҳукм канада адлия тизимининг ажралмас бир қисмига айланиб улгурган. Бунга сабаб 1955 йилда с-41 Биллингни қабул қилиниши. Канада қонун чиқарувчилари қамоққа олиш масаласигага эътибор қаратиш ўрнига, шартли ҳукм баъзи жиноятчиларни қамоқдан ва жамиятда ушлаб туриш учун мўжжалланган. Бў қўпинча жазони ўй қамоғи остида ўз ўйларида ўташни англатади, у эрда улар ишлашда ёки мактабда, ўқишни давом еттиришлари мумкин. Ҳуқуқбузарларнинг хаммаси ҳам дастурдан фойдаланиш мумкин эмас. Кўриб чиқилиши учун жазо муддати икки йилдан ортиқ бўлмаслиги ва судья жиноятчининг жамият учун хавф тўғдирмаслигига ишонч хосил қилиши керак. Дастурга қабул қилинган махбуслар ҳам суд томонидан белгиланган муайян шартларни бажариши керак. Спиртли ичимлик ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилмаслик ва комендантлик соати ва жамоат ишлари. 2003-2004 йилларда ахлоқ тузатиш ишлари назорати остидаги маҳкумларнинг 13 минга яқини ёки 12 фиози шартли ҳукм остида жамиятда яшаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК) 72-моддасининг биринчи қисмига биноан, суд жазо тайинлаш вақтида шартли ҳукмни қўллаш учун жиноятнинг хусусиятини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини ҳамда ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олади.

Мазкур асослар Қирғизистон ЖК 63-моддаси биринчи қисми [1] ҳамда Беларусия ЖК 78-моддаси биринчи қисмида [2] ҳам белгиланган.

Содир этилган жиноятнинг хусусияти, энг аввало тажовуз қилинган объект орқали аниқланади. Жиноий тажовуз орқали қандай ижтимоий муносабатга тажовуз қилинганлиги жиноятнинг хусусиятини ифодалайди. Бундан ташқари

жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганлиги ҳам жиноятнинг хусусиятига киради.

Хуқуқшунос олимлар М. Усмоналиев ва Ғ. Эрматовларнинг фикрича, жиноятнинг хусусияти деганда қилмишни квалификация қилиш учун зарурий белги ҳисобланган ва жиноят таркиби доирасига кирувчи хусусиятлари назарда тутилади [3, с. 18].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 3-бандида: «Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиной қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-м.) киритилганлиги билан белгиланади» [4] - деб ёзилган.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси асосан унинг миқдор кўрсаткичларида намоён бўлади, ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси муайян жиноят учун ЖК Махсус қисм моддасининг санкциясида назарда тутилган жазо тури, унинг миқдори ва муддати билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 3-бандида: «Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жинойий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади» [4] - деб ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасида жиноятларни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш назарда тутилган.

Шартли ҳукм қилишни қўллашда суд ҳисобга оладиган ҳолатлардан яна бири бу айбдорнинг шахсидир.

Суд нафақат жиноят содир этилганини, балки унинг муайян хоссаларини, шунингдек, айбдорнинг шахсини тавсифловчи белгиларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳукм чиқаради [5, с. 36], шунингдек, унинг ўзига хос бўлган қарашлари, эътиқоди, одатлари, оилага, иш жойига, уни ўраб турган муҳитга ва бошқа ҳаётий қадриятларга бўлган муносабати ҳам инобатга олинади [3, с. 21].

Айбдор шахсининг ижобий томонларининг мавжуд бўлиши нафақат минимал жазо тайинлашга, балки паст чегарадан ҳам пастроқ жазо тайинлашга, шартли ҳукм қилишга, ҳукмнинг ижросини кечиктиришга ва бошқаларга сабаб бўлиши мумкин. Шулар билан бир қаторда шартли ҳукм қилишни қўллаш учун шахсни содир этган жиноятнинг оғирлиги, жиноят содир этишдан олдин ва кейинги хулқ-атвори ҳисобга олинади. Суд шартли ҳукм чиқаришда айбдорнинг жазони ўтамасдан ҳам тузалиш имконияти мавжудлиги ҳақидаги хулосага келиши мумкинлиги асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Шартли ҳукм қилишни қўллашда «ишдаги бошқа ҳолатларни» ҳисобга олиниши Ўзбекистон ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган бўлсада, бироқ қайси ҳолатлар ҳисобга олиниши қонунда аниқ белгиланмаган.

Бу ҳақда ҳуқуқшунос олимлар М.Усмоналиев ва Ғ.Эрматовларнинг таъкидлашича, шартли ҳукми қўллашнинг бошқа асосларига қонунда махсус назарда тутилмаган, бироқ суд энгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши мумкин. Масалан, айбдорнинг касаллиги, ногиронлиги, ёши, вояга етмаганлиги, оилавий аҳволи, мамлакат олдидаги хизматлари ва бошқалар [3, с. 24].

Энгиллаштирувчи ҳолатлар қонунда алоҳида белгиланган ёхуд белгиланмаган бўлса ҳам унга айбдор шахсининг хусусияти, унинг жиноят содир этиш вақтида ёки ундан кейинги хулқ-атвори, шахснинг ва у томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги камлигидан далолат берувчи ҳолатлар тааллуқлидир, уларнинг мавжудлиги ЖК Махсус қисм моддасининг санкцияси доирасида жазо чорасини энгиллаштириш учун, ЖК Махсус қисм моддасида назарда тутилган паст чегарасидан ҳам паст жазо тайинлаш учун ёхуд шахсни жазодан шартли озод этиш учун асос бўлиб ҳисобланади [6, с. 93].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорининг 7-бандида: «Қонун (ЖК 55-м.) жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламайди. Шу сабабли жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони энгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин (масалан, ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши, судланувчининг ёш боласи борлиги, жиноят содир этган шахснинг бошқа бир шахсга раҳми келганлиги сабабли жиноят содир этганлиги, айбдор томонидан бевосита жиноят содир этилганидан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқа тарзда ёрдам кўрсатилиши ва ҳ.к.)» [4] - деб ёзилган.

Судлар шартли ҳукм қилиш ҳақида қарор қабул қилишда айбдорнинг оилавий аҳволини, ёш болаларнинг сонини, ота-онасининг меҳнатга яроқсизлигини, айбдорнинг иш жойидаги тақдимномасини, шахснинг жиноят содир этишдан кейинги хулқ-атворини, чин кўнгилдан пушаймон бўлишини ва ҳ.к.ларни ҳисобга олади [7, с. 440].

Беларусия Жиноят кодекси 78-моддаси 1-қисмига асосан²⁴⁵ суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини, айбдорнинг шахсини ва ишнинг бошқа ҳолатларни ҳисобга олади.

Молдова Жиноят кодекси 90-модда 1-қисмига асосан^{246,247} суд ишнинг ҳолатлари ва айбдорнинг шахсини ҳисобга олади.

²⁴⁵ Уголовный кодекс Республики Беларусь // URL: <http://online.zakon.kz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 23.01.2019).

²⁴⁶ Уголовный кодекс Республики Молдова // URL: <http://lex.justice.md> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.01.2019).

²⁴⁷ Уголовный кодекс Республики Молдова // URL: <http://lex.justice.md> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.01.2019).

Озарбайжон Жиноят кодекси 70-моддаси 2-қисмига асосан²⁴⁸ суд шартли ҳукми тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини, маҳкумнинг шахсини, шунингдек айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Украина Жиноят кодекси 75-моддаси 1-қисмига асосан жиноятнинг оғирлиги, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олади.

Юқорида зикр этилган ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини инобатга олиб, шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ қонун нормаларини таҳлил қилиб, ҳамда норма мазмунига аниқлик киритиш мақсадида ЖК 72-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган «ишдаги бошқа» деган жумладан сўнг «жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи» жумлани киритиш мақсадга мувофиқ.

В.В. Макарова шартли ҳукми самарадорлигига олиб келувчи сабаблардан бири сифатида шартли ҳукм қилинганларга нисбатан уларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи орган томонидан ишлаб чиқилган якка тартибдаги режага асосан ишни амалга ошириш кераклигини кўрсатган.

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларига ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш пробация хизмати томонидан амалга оширилади.

Шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан доимий назорат олиб бориш ва у билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиш ўзининг ижобий самарасини беради. Бундай ҳолда шартли ҳукм қилинган шахс жамоат тартиби ва меҳнат интизомини бузмаслигини, қонунларга риоя этишини, унга юклатилган мажбуриятларни бажаришлигини тушуниб етади.

Ўзбекистон Республикаси ЖИК 176-моддаси 1-қисмида эса шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи орган шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради, деган қоида ёзилган.

Суд томонидан яшаш жойи у ёки бу сабаб билан тарк этиши бутунлай тақиқланган маҳкумлар пробасия хизмати ходимлари ва профилактика инспектори томонидан ҳар ойда камида 3 мартаба мазкур таъқиқнинг бажарилаётганлигини доимий равишда назорат қилиб борилади ва текширув натижаси бўйича далолатнома тузилиб, маҳкумнинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқиши чекланган маҳкумлар пробасия хизмати ходимлари ва профилактика инспектори томонидан ҳар ойда камида 3 мартаба яшаш жойидан чиқиши чекланган муайян вақтида мазкур

²⁴⁸Уголовный кодекс Азербайджанской Республики // URL:scfwca.gov.az/store/.../Уголовный%20кодекс%20Азербайджанской%20Республики.d... (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.01.2019).

чеклашга амал қилаётганлигини текшириш учун доимий равишда назорат қилиб борилади ва текширув натижаси бўйича далолатнома тузилиб, маҳкумнинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назорат олиб боровчи ички ишлар органи бошқа сохавий хизматлар билан ҳамкорликда шартли ҳукм қилинган маҳкумларни яшаш шароитлари, турмуш тарзлари, яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар ўрганиб чиқилиши, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, улар устидан яшаш ва иш жойларида назорат ишларини кучайтириш чоралари кўрилади. Шунингдек, профилактика инспекторлари судланган шахсларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ уларга нисбатан белгиланган чекловларга риоя этишларини назорат қилишлари муайян профилактик аҳамиятга эга. Масалан, маълум бир вақтда уйда бўлиш мажбурияти, муайян жойларда бўлишнинг тақиқланиши, ўз иши билан туман ёки шаҳардан чиқиш вақтининг чекланиши кабилар. Ушбу чекловлар муайян даражада яна мулкӣ жиноятлар содир этиш имкониятини камайтиради ҳамда жиноий алоқаларнинг ўрнатилишига тўсқинлик қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурасулова К. Р. Аёллар жиноятчилиги вауларнинг олдини олиш муаммолари. Ўқув кўлланма / масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. - т.: тдую нашриёти, 2009. -161 бет.
2. Зиёдуллаев М. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: ўқув-методик кўлланма / масъул муҳаррир юрид. Фан. Доктори И. Исмаилов. - т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. - 92 б.
3. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. - т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. - 168 б.
4. Саиткулов К.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фукаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: ўқув-амалий кўлланма / юридик фанлар доктори, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. - т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - 123 б.
5. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 4 б.
6. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. -Т.: Шарқ.-Б. 45.
7. Юридик энциклопедия/ юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда.-Т.: "Шарқ", 2001. -Б. 652.
8. Исмаилов И. Саиткулов Қ.А., Ҳуқуқбузарликлар виктимологик

профилактикаси чора-тадбирлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2015. Б–54-66.

9. Хўжақулов С.Б. “Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида)”// док. дисс. афтреф// Т.: 2018.Б–20.

10. Антонян Ю.М. Криминология. Избранные лекции. – М.: «Логос»,2004. –122 с.

11. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–179.